

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

30-сон
(1050)
2022 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

264. «Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 июлдаги ЎРҚ–785-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

265. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ–175-сон Фармони

Бешинчи бўлим

266. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 8 июлдаги 33-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек

- унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-5*)
267. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 11 июлдаги 16-2022-сон, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 53-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 27-сон «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1849-1*)
268. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 8 июлдаги 01/11-14/20-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 8 июлдаги 20-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-5*)
269. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 58-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 28-сон «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1735-1*)
270. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 56-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 30-сон «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1795-1*)
271. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 57-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 29-сон «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон*

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1785-1)

272. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 55-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 31-сон «Биржа савдоларида полиэтиленни сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1837-1)*
273. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 54-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 32-сон, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 29 июндаги 367/01-15-сон «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508-2)*
274. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 24 июндаги 15-2022-сон «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-4)*
275. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 4 июлдаги 10-сон «Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2582-2)*
276. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 4 июлдаги 11-сон «Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363-1)*
277. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 4-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 230-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-3)*

278. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-сон «Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ходисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3376*)
279. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 22 июлдаги 10-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-2*)
280. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2022 йил 28 июндаги 121-сон «Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1703-1*)
281. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 20-твб-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****264 Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
7 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда
маъқуланган

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан солиқ-божхона тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги солиқ-божхона имтиёзларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Бунда мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари норезидент жисмоний шахслар учун пасайтирилганлиги, шунингдек ота-оналар фарзандларининг таълим олиши учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ва мактабларга ойига тўлайдиган 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар учун солиқ солишдан озод этилиши, шунингдек божхона божлари бўйича имтиёзлар фақат қонунларга асосан берилишига доир ягона тартиб белгиланиши миллий иқтисодийни жадал ривожлантиришга кўмаклашади.

Шу билан бирга, хизматлар соҳасини, капитал бозорини, чарм саноати ва тиббиётни ривожлантириш, шунингдек хотин-қизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига вақтинчалик солиқ имтиёзлари берилмоқда.

Ушбу Қонун солиқ-божхона тизимини такомиллаштириш ҳамда бизнес муҳитини яхшилаш орқали аҳолининг даромадларини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–599-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2021 йил, № 1, 6-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 июлда эълон қилинган.

«Бунда ушбу солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитладиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан сотиб олинadиган товарларга (хизматларга) нисбатан қўлланилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **289³-модда биринчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

5.	Мобиль алоқа хизматлари	10 %
----	-------------------------	------

»;

2) **317-модданинг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) солиқ тўловчининг ушбу Кодекс 376-моддасида назарда тутилган, жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган харажатлари, бундан товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ўз ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига оммавий-маданий ҳамда концерт-гомоща тадбирларига бориши учун чипталар харид қилишга доир харажатлар мустасно»;

3) **369-модда:**

биринчи қисмининг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) қонунчиликда белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари, шу жумладан талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўғаракларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари»;

иккинчи қисми:

12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган маблағлар»;

қуйидаги мазмундаги **12¹-банд** билан тўлдирилсин:

«12¹) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг қонунчи-

ликда белгиланган нормалар доирасида ижтимоий кўмакка мухтож оилаларнинг истеъдодли ва иқтидорли фарзандларини, шунингдек махсус контингентдаги тарбияланувчиларнинг муайян сонини бепул ўқитиш билан боғлиқ харажатлари»;

4) **378-модданинг 16-банди:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она (фарзандликка олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар»;

учинчи, тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **382-модданинг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

3.	Меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар, 1 ва 2-бандларда кўрсатилмаган бошқа даромадлар	12
----	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

»;

6) **389-модданинг иккинчи қисмидаги** «бундан йирик солиқ тўловчилар мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **412-модда биринчи қисмининг 1-банди:**

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар объектнинг 1 кв. метри қиймати ушбу бандда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли. Бунда мустақил баҳолаш натижалари, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан ўтган икки йилда ўтказилган мустақил баҳолаш натижалари солиқ базаси сифатида эътироф этилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бандда белгиланган энг кам қиймат татбиқ этилмайдиган кўчмас мулк объектлари қонунчиликда белгиланади»;

8) **414-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **3-банд** билан тўлдирилсин:

«3) қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шу жумладан уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар»;

9) **428-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкалари»;

10) **463-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

11) **464-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) тадбиркорлик субъектлари учун — товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларининг 0,5 фоизидан ошмаган миқдорда ўз ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тадбирларига бориши учун чипталар харид қилишга доир харажатлар суммасига»;

12) **483-модда** қуйидаги мазмундаги **йигирманчи — ўттиз олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, шунингдек кўнгилочар марказларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Ушбу модданинг йигирманчи қисмида назарда тутилган имтиёз, агар белгиланган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил қилса, тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади. Ходимлар сонини яшириш фактлари аниқланган тақдирда мазкур имтиёзнинг амал қилиши бекор қилинади.

Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчалари бўйлаб жойлашган, уй-жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари ушбу модданинг йигирманчи қисмида белгиланган хизматлар турларини кўрсатиш учун яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк тоифасига ўтказилган тақдирда, 2024 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини уй-жойга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.

Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчаларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда майдони беш минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффицентни қўллашга. Бунда 2027 йил 1 январга қадар янгидан қурилган ушбу кўчмас мулк объектларига ва ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан мазкур имтиёз улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан беш йил мобайнида қўлланилади;

фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида икки йил давомида мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида кўрсатилган туман-

лар ва шаҳарларнинг белгиланган туризм зоналарида рўйхатдан ўтказилган ҳамда мазкур ҳудудларда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператорлик ва турагент хизматларини кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

айланмадан олинadиган солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

ушбу ҳудудларда жойлашган объектларга, шунингдек мазкур объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридан тўлайди.

Туманлар ва шаҳарлар туризм зоналари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг ҳулосаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади.

2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялари бўйича дивидендлар тарзидаги даромадларига фойда солиғи бўйича 5 фоиз миқдоридан солиқ ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан ҳамда фойда солиғидан озод этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг миллий мусиқа чолғу асбобларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, айланмадан олинadиган солиқ ва ижтимоий солиқ 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.

Хўжаликларда балиқ етиштиришни кооперация асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда барча солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданинг йигирма тўққизинчи қисмида назарда тутилган имтиёз жорий ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромаднинг умумий ҳажмида балиқ етиштириш фаолиятдан олинган даромадининг улуши 90 фоиздан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади.

Чарм, мўйна хом ашёсини ва жунни тайёрлаш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январ-

га қадар бўлган даврда ушбу фаолияти бўйича фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданинг ўттиз биринчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

чорва молларни сўйишга ихтисослаштирилган, замонавий автоматлаштирилган комплекслар билан жиҳозланган солиқ тўловчиларга;

ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қорақўл хом ашёсини ва жунни йиғиш ҳамда тайёрлаш, уларни қайта ишлаш (фойдаланиш) учун кейинчалик сотиш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 80 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга;

ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қорақўл хом ашёсини ва жунни қайта ишлаш, шунингдек бутловчи буюмларни, фурнитура, аксессуарлар, пойабзал қолиплари, пойабзал тагликлари, устки қисмлари, желатин, сунъий чарм, пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қорақўл маҳсулотини ва жундан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришдан олинган даромадининг улуши 60 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга.

Чорва молларни сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган комплексларга эга бўлган, шунингдек терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.

Ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажми қўйидаги талабларга жавоб берса, солиқ тўловчилар ижтимоий солиқни 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди:

болалар, аёллар ва спорт пойабзалларини, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қолиплари ҳамда тагликларини реализация қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 60 фоизни ташкил этса;

пойабзалларни, чарм-атторлик маҳсулотларини ва мўйнадан тайёрланган буюмларни экспорт қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 80 фоизни ташкил этса.

Белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлов материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларнинг реестрига киририлган ҳудудларда ходимларининг умумий сони 10 нафардан кам бўлмаган ҳамда у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ўзида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган

ижтимоий солиқни 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **289-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ва солиқларнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **297-модда иккинчи қисмининг 8-банди** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Бунда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштирилладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан сотиб олинладиган товарлар бўйича имтиёзлар қўлланилмайди».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июлга қадар қабул қилинган ҳужжатларида назарда тутилган божхона божи бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддаси 12-бандининг йигирманчи — йигирма бешинчи хатбошилари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 12-бандининг ўттизинчи хатбошиси 2022 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг ва 3-моддаси 2-бандининг қоидалари тижорат банклари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида 2022 йил 1 майдан

кейин янгитдан тузиладиган битимлар (расмийлаштириш шакли ва усулидан қатъи назар) асосида сотиб олинадиган товарларга (хизматларга) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 1 ва 7-бандларининг ҳамда 12-банди олтинчи — саккизинчи хатбошиларининг қоидалари 2022 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 4, 8, 9-бандларининг ҳамда 12-бандининг иккинчи, учинчи, тўққизинчи — ўн еттинчи, йигирма олтинчи — йигирма тўққизинчи хатбошиларининг қоидалари 2022 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 5-бандининг қоидалари 2022 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 июль,
ЎРҚ–785-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

265 Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий қилинди;

кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробарга ошиб, 1,9 миллионга етди;

кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришlash учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инobatга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробарга оширилди;

ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди, аҳолини бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 июлда эълон қилинган.

аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида, 2024 йилдан бошлаб «Йўл хариталари» ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси фаолиятини молиялаштириш манбалари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

4. Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан:

а) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бунда, ходимнинг иш стажиди 1 ойгача бўлган танаффуслар мавжуд бўлса ушбу танаффуслардан олдинги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади;

б) келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали босқичма-босқич тўланади.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С. Турдиев), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З. Махкамова) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга:

2023 йил 1 мартга қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақ-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 июлга қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартларини тасдиқласин.

6. Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиши муносабати билан:

2022 йил 1 сентябрдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси тугатилиши ҳисобига 3 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий суғурта жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш бўлими;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро аппарати штат бирликлари ҳисобидан 2 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий тўловларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга ошириш шўъбаси;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари ҳузурида, уларнинг умумий штат бирликлари доирасида 2 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағларини бошқариш ва Ижтимоий суғурта нафақалари тўловларини мониторинг қилиш бўлимлари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 июль,
ПФ–175-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

266 «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
33-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 8 июлдаги
33-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 36-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016-1, 2019 йил 22 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 10/19/3016-1/2984-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 26 июндаги 79-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016-2, 2019 йил 4 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2019 й., 10/19/3016-2/3379-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 7-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016-3, 2020 йил 13 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2020 й., 10/20/3016-3/0460-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 8 апрелдаги 21-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016-4, 2021 йил 4 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2021 й., 10/21/3016-4/0436-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

267 «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1849-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 223-1, 04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сон «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1849, 2008 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 354-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 июль,
16-2022-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
53-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
27-сон

Келишилди:

**«Эл-юрт умиди»
жамғармаси директори**

А. БЕКМУРОДОВ

2022 йил 5 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

268 Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон қарори (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 357-модда) билан тасдиқланган Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
01/11-14/20-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги-
нинг 2022 йил 8 июлдаги 01/11-14/20-сон ва
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2022 йил
8 июлдаги 20-сон қарорига
ИЛОВА

**Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 16-банддаги «паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат» деган сўзлар «паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд уларнинг ўрнини босадиган ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 23-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «(рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

269 «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1735-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34 ва 86-сон «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1735, 2007 йил 30 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 450-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
58-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
28-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2022 йил 17 июнь

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 9 июнь

*«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»
АЖ Бошқарув раиси*

А. ХУРСАНОВ

2022 йил 9 июнь

*«Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ
бош директор в. в. б. И.*

БАБАХАНОВ

2022 йил 9 июнь

*«Ўзбекистон республика
товар-хом ашё биржаси»
АЖ Бошқарув раиси*

З. БАДРИДДИНОВ

2022 йил 9 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

270 «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз
кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1795-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48 ва 30-сон «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1795, 2008 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 127-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
56-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
30-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

2022 йил 17 июнь

М. НУРМУРАТОВ

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

2022 йил 9 июнь

Ш. ШАРАХМЕТОВ

*Энергетика вазирининг
биринчи ўринбосари*

2022 йил 14 июнь

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқарув раиси*

2022 йил 14 июнь

М. АБДУЛЛАЕВ

*«Товар-хом ашё биржаси»
АЖ бошқарув раиси*

2022 йил 9 июнь

З. БАДРИДДИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

271 «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини
йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1785-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 12 мартдаги 41, 21-сон «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1785, 2008 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 109-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Энергетика вазирлиги, «Ўзбеккўмир» АЖ ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
57-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
29-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

2022 йил 17 июнь

М. НУРМУРАТОВ

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

2022 йил 9 июнь

Ш. ШАРАХМЕТОВ

*Энергетика вазирининг
биринчи ўринбосари*

2022 йил 14 июнь

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

*«Ўзбеккўмир» АЖ
Бош директори*

2022 йил 9 июнь

В. КУЗНЕЦОВ

*«Ўзбекистон республика
товар-хон ашё биржаси»
АЖ Бошқарув раиси*

2022 йил 9 июнь

З. БАДРИДДИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

272 «Биржа савдоларида полиэтиленни сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1837-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 30 июндаги 55 ва 68-сон «Биржа савдоларида полиэтиленни сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1837, 2008 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 289-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
55-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
31-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2022 йил 17 июнь

*Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 9 июнь

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
Бошқарув раиси*

М. АБДУЛЛАЕВ

2022 йил 14 июнь

*«Ўзбекистон республика
товар-хон ашё биржаси»
АЖ Бошқарув раиси*

З. БАДРИДДИНОВ

2022 йил 9 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

273 «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон «Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 22 августдаги 43, 78 ва 01/19-26/11-сон «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2508, 2013 йил 17 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 498-модда);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 11, 77 ва 01/15-1-10/19-сон «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ги қарори (рўйхат рақами 2508-1, 2018 йил 5 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 10/18/2508-1/1327-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киреди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
54-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 июль,
32-сон

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Ш. ШАРАХМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 июнь,
367/01-15-сон

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2022 йил 17 июнь

Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

2022 йил 14 июнь

«Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқарув раиси

М. АБДУЛЛАЕВ

2022 йил 14 июнь

«Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ бошқарув раиси

З. БАДРИДДИНОВ

2022 йил 9 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

274 «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 августдаги 511-сон «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятига ҳамда таълимга оид қонунчилик такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1981, 2009 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 330-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 июнь,
15-2022-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2022 йил 24 июндаги 15-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низом муқаддимасининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**275** Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2582-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 22 апрелдаги 22-сон буйруғи (рўйхат рақами 2582, 2014 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 234-модда) билан тасдиқланган Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди тўртинчи хатбошисидаги «2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли» деган сўзлар «2022 йил 12 апрелдаги 172-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 июль,
10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**276** Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларига ўз-
гартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 4-сон буйруғи (рўйхат рақами 3363, 2022 йил 19 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2022 й., 10/22/3363/0322-сон) билан тасдиқланган Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 4 июль,
11-сон

И. МАХКАМОВ

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2022 йил 4 июлдаги
11-сон буйруғига
ИЛОВА

**Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этувчи шахс;»;

саккизинчи хатбошидаги «қоронғи вақт» деган сўзлар «сутканинг қоронғи вақти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пиёда — транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган, велосипед, мопед, мотоцикл, чана, ара-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 июлда эълон қилинган.

вача ва болалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини етаклаган, шунингдек ҳаракатланиш учун роликли конькилар, двигателсиз самокатлар ва бошқа шуларга ўхшаш воситалардан фойдаланаётган шахслар ҳам пиёдаларга тенглаштирилади;».

2. 35-банддаги «2015 йил 24 декабрдаги 370-сон» деган сўзлар «2022 йил 12 апрелдаги 172-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 53-банд ва 83-банднинг «в» кичик бандидаги «куннинг» деган сўзлар «сутканинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 93-бандда:

«б» кичик банд «сарик байроқ,» деган сўзлардан кейин «сутканинг» деган сўз билан тўлдирилсин;

«в» кичик банднинг биринчи хатбошиси «сарик байроқ,» деган сўзлардан кейин «сутканинг» деган сўз билан тўлдирилсин.

5. 100-банднинг биринчи хатбошиси «қизил шит,» деган сўзлардан кейин «сутканинг» деган сўз билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

277 Давлат хизматлари ягона реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПҚ-282-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир давлат хизмати кўрсатиш тартибини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 177-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон «Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6 ва 136-сон қарори (рўйхат рақами 3181, 2019 йил 13 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 19/19/3181/3738-сон) билан тасдиқланган Давлат хизматлари ягона реестрига иловага** мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 июль,
4-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 июлда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги**

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 июль,
230-мҲ-сон

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI TRANSPORT VAZIRINING
BUIYRUGI**

278 Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3376*

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 336-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бююраман**:

1. Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2015 йил 3 июлдаги 112-сон «Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2703, 2015 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 404-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 июлда эълон қилинган.

Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Савдо-саноат палатаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 9 июнь,
7-сон

И. МАХКАМОВ

Келишилди:

***Давлат хавфсизлик
хизмати раиси***

2022 йил 24 май

А. АЗИЗОВ***Ички ишлар вазири***

2022 йил 17 май

П. БОБОЖОНОВ***Фавқулудд вазиятлар вазири***

2022 йил 14 май

А. КУЛДАШЕВ***«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқарув раиси***

2022 йил 31 май

Х. ХАСИЛОВ***Савдо-саноат
палатаси раиси***

2022 йил 20 май

Д. ВАХАБОВ

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2022 йил 8 июндаги
7-сон буйруғига
ИЛОВА

**Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ҳаракатдаги темир йўл таркиби (бундан буён матнда ҳаракатдаги таркиб деб юритилади) — локомотивлар, юк ва йўловчи ташувчи вагонлар, мотор-вагонли ва махсус ўзиюар машиналар;

темир йўл транспорти ва метрополитен ҳодисалари — ҳаракатдаги таркибнинг бошқа ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашиши, унинг темир йўл изидан чиқиши, шикастланиши, инфратузилма ва (ёки) ташилаётган юкларга зарар етиши, шунингдек фавқулодда вазиятлар, ноқонуний аралашув ва таҳдидлар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳодисалар;

темир йўл транспорти субъекти — ҳаракатдаги таркиб ва (ёки) инфратузилма объектларининг мулкдори ёки вақтинча эгалик қилувчи ва фойдаланувчилар;

поезд — гуруҳланган вагонларнинг боши ва охири белгиланган (кўринадиган ва товушли) ишораларга эга бўлган битта ёки бир нечта ишлаб турган локомотив ёки моторли вагонлар билан уланиб тузилган, шунингдек бекатлар оралиғига жўнатиладиган вагонсиз локомотивлар, моторли вагонлар ва махсус ўзиюар ҳаракатдаги таркиб;

поездлар ҳаракати — поезднинг бир пунктдан иккинчи пунктгача йўл давомида амалга оширадиган технологик жараёнлари (операциялари) йиғиндиси;

манёвр — ҳаракатдаги таркибнинг юк ва йўловчи ташиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари;

бекатлар оралиғи — темир йўл инфратузилмасининг туташ бекатлари, разъезд, қувиб ўтиш пунктлари ёки йўл постлари билан чегараланган қисми;

рельс синиши — рельс ёки стрелкали ўтказгич (рамали рельс, контррельс ва бошқалар) ёхуд уларнинг элементларида ёриқлар (магистрал ёриқлар) пайдо бўлиши ва уларнинг бирлашиб кетиши натижасида икки ва ундан ортиқ бўлақларга бўлиниши, парчаланиши ва емирилиши;

ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашуви — юк ёки йўловчилар ташиш поездлари билан бошқа поездлар, ҳаракатдаги таркиб ёки автотранспорт воситаларининг тўқнашуви оқибатида локомотивларни ва ҳаракатдаги таркибни капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада, вагонларни эса жорий, депо ёки капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада шикастланиши;

ҳаракат давомида юкнинг қулаши (сочилиб ёки бузилиб кетиши) — ҳаракатдаги таркибнинг маҳкамлаш қисмлари носозлиги, юк ортишнинг техник шартлари бузилиши натижасида юк маҳкамлаш воситаларининг ўз хусусиятини йўқотиши, шунингдек юкнинг жойидан қўзғалиши оқибатида темир йўлга юк ёки унинг қисмлари қулаши (сочилиб ёки бузилиб кетиши) ҳамда белгиланган юк ортиш габарит меъёрларидан чиқиши;

поезддаги махсус улагич ускуналарнинг ўз-ўзидан ажралиб кетиши — ҳаракатланиш давомида поезд автоулагич жиҳозларининг техник носозлик сабабли ажралиб кетиши;

ҳаракатдаги таркибнинг издан чиқиши — ҳаракатдаги таркибнинг ақалли битта филдирак жуфтлиги ёки филдирагининг рельс изидан чиқиб кетиши;

поездни банд йўлга қабул қилиш — бекатга кириб келаётган поезд ёки ҳаракатдаги таркибнинг (локомотивнинг ақалли бир қисми) кириш (маршрут) светофоридан, таклиф қилиш ишорасидан ёки поезд машинистига берилган рухсат асосида бекатнинг поезд ёки ҳаракатдаги таркиб билан банд бўлган йўлга тайёрланган йўналиш бўйича ҳаракатланиши;

поездни банд бўлган бекатлар оралиғига жўнатиш — поездни чиқиш светофорининг рухсат этиш ишорасида ёки машинист олган рухсат асосида поезд ёки ҳаракатдаги таркиб билан банд бўлган бекатлар оралиғига тайёрланган йўналиш бўйича ҳаракатланиши;

поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича жўнатиш — олинган рухсат асосида поезд ёки ҳаракатдаги таркибнинг чиқиш светофоридан (чегараловчи устундан) бекатлар оралиғига тайёрланмаган йўналиш бўйича ҳаракатланиши ёхуд ҳаракатдаги таркибнинг (электр энергияси асосида ҳаракатланувчи) электрлаштирилмаган бекатлар оралиғига жўнатилиши;

поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича қабул қилиш — бекат кириш светофорининг рухсат этиш ишорасида ёки таклиф қилиш ишорасида ёхуд поезд машинисти олган рухсат асосида бўш йўлга ёки ҳаракатдаги таркибни (электр энергияси асосида ҳаракатланувчи) контакт тармоғи мавжуд бўлмаган йўлга тайёрланмаган йўналиш бўйича ҳаракатланиши;

поездни тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиши — поезднинг (локомотивнинг ақалли бир қисми) кириш, чиқиш, маршрут ёки манёвр светофорларининг тақиқловчи ишорасидан, светофор бўлмаган йўлда эса чегара устунидан ўтиб кетиши;

поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида стрелкали ўтказгични ўтказиш — сигналлаштириш қурилмалари носозлиги туфайли ёки бекат навбатчисининг (бошқарув панелидаги бошқа ходим) хатоси туфайли стрелкали ўтказгични поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида ўтказиш ҳолатлари;

ҳаракатдаги таркибнинг ўрта балкаси узилиши — вагоннинг шкворень, ўрта ёки четки балкалар орасидаги пайванд чокларининг йиртилиши;

поезднинг охирги кранлари берк ҳолатда жўнатилиши — бекатлар оралиғига жўнатилган поезд таркибидаги локомотив ёки вагон ва улар ўртасидаги охирги кранларни берк ҳолатда жўнатиш;

техник носозликлар сабабли, ҳаракатланиш йўлидаги йўловчи поездидан вагоннинг узиб қолдирилиши — ҳаракат даврида йўловчи поездидан вагоннинг техник носозлик сабабли ажратиб қолиниши, шунингдек электропоездлардан секциялар узиб қолиниши ёки дизель поездидан вагоннинг узиб қолиниши ҳолати;

йўловчилар ташиш поездидан локомотив бузилиши оқибатида ёрдамчи локомотивнинг талаб қилиниши — йўловчи поездлар (электropоездлар) йўналиши бўйича ҳаракатланиш даврида техник носозликлар сабабли ёрдамчи локомотивни талаб қилиш ҳолатлари;

иш жараёни вақтида поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган жойларнинг ишоралар билан тўсилмаслиги — темир йўлларда, контакт тармоғида, сигналлаштириш қурилмаларида техник ва тижорат ҳамда бошқа турдаги текшириш ишларини олиб бориш вақтида ақалли битта тўсиқ ишорасининг мавжуд эмаслиги, шунингдек барча хавфли ҳудудлардаги темир йўлларда иш жараёни вақтида тўсиқ ишоралари билан тўсилмаслик ҳолатлари;

поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган жой — бекатлар оралиғида ва бекатда ҳаракат учун ҳар қандай тўсиқ (тўхташни талаб этадиган жой), шунингдек тезликни камайтириш ёки тўхташни талаб қиладиган ҳаракат учун хавфли бўлган жой;

поездлар ҳаракати хавфсизлигига масъул бўлган темир йўл ходимларининг айби билан поезднинг автотранспорт воситаси ёки бошқа ўзию-рар машина билан тўқнашиши — умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва идораларга қарашли шохобча темир йўллари ходимларининг айби билан (темир йўл кесишмаларида ишламай қолган ишоралар, тўсиқлар ва бошқа техник носозликлар ёки темир йўл масъул ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари туфайли) содир бўлган ҳаракатдаги таркибнинг автотранспорт воситаси ёки бошқа ўзию-рар машина билан тўқнашуви;

бекатда тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиш ҳолатини юзага келтирган рухсат ишораси тақиқловчи ишорага алмашиб қолиши — бекатларда сигналлаштириш қурилмаларининг носозлиги, электр таъминотидаги узилишлар, бошқарув пультада хатоликка йўл қўйилиши ва бошқа носозликлар сабабли светофорларнинг рухсат берувчи ишорасидан тақиқланган ишорага ўтиши натижасида поезднинг, манёвр ҳаракатдаги таркиб ёки локомотивнинг ўзи тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиши;

ҳаракатдаги таркибнинг қурилма, механизмлар, жиҳозлар ва бегона предметлар устига юриб келиб урилиши — ҳаракатдаги таркибнинг бегона предметлар, мосламалар, механизмлар, қурилмалар ва ускуналарни темир йўл изларида туриб қолиши оқибатида уларга келиб урилиши, шунингдек мазкур қурилма ва ускуналарни иншоотларга яқинлашиш габарити ёхуд ҳаракатдаги таркиб габаритидан ташқарига чиқиши сабабли уларга келиб урилиши оқибатида рельс изидан чиқиши;

стрелкали ўтказгич кесилиши — ҳаракатланиш ёки сўзлашувлар регламентининг бузилиши, тайёрланган ҳаракат йўналиши стрелкали ўтказгичнинг ҳолатига номувофиқлиги ёки носозлиги сабабли гилдирак жуфтлиги ёки гилдирак ўрқачини (гребень) рамали рельс ва остряг орасига кириши оқибатида стрелкали ўтказгичнинг шикастланиши;

тезликни автоматик ҳолда тартибга солувчи автоматик локомотив сигнализацияси (АЛС-АРС) — поездни бошқариш кабинасига сигнал кўрсаткичларини узатилиши, йўлнинг бўшлиги ва поезд ҳаракат тезлигини узлуксиз назорат қилувчи, тезлик ошиб кетган тақдирда унинг автомат тарзда камайтирилишини таъминловчи воситалар тизими.

2-боб. Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш

2. Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар қуйидагича таснифланади:

поездлар ҳалокати;

авария;

ишдаги алоҳида ҳодисалар;

ишдаги ҳодисалар;

бошқа ҳодисалар.

3. Ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашуви, бекатлар ва уларнинг оралиғида, таъмирлаш, эпкировка пунктларида, корхона ва ташкилотларда поездларни тузиш ёки уларни шайлаш, манёвр ва бошқа ҳаракатлар жараёнида ҳаракатдаги таркибнинг темир йўл изидан чиқиши натижасида ёнғин, портлаш содир бўлиши ҳамда уларнинг ярқисиз ҳолга келиши, шунингдек темир йўл платформаларида, бекатларида ва темир йўл ёқаси яқинида жойлашган биноларда бўлган инсонларни ҳалок бўлиши ва (ёки) оғир тан жароҳат олиши ёхуд ҳалокат жойига туташ ҳудудларни ташилаётган ўта заҳарли моддалар билан зарарланиши оқибатида:

бир ва ундан ортиқ инсоннинг ҳалок бўлиши;

беш ва ундан ортиқ кишининг (инсоннинг) соғлиғига жиддий шикаст етиши;

фавқулодда вазиятларда ўн ва ундан ортиқ кишининг (инсоннинг) жароҳатланиши;

ҳаракатдаги таркибни ҳисобдан чиқариш даражасида шикастланиши;

юз ва ундан ортиқ инсоннинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши поездлар ҳалокати сифатида баҳоланади.

4. Ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашуви, бекатлар ва уларнинг оралиғида, таъмирлаш-шайлаш пунктларида, корхона ва ташкилотларда поездларни тузиш ёки уларни шайлаш, манёвр ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида темир йўл изидан чиқиши оқибатида ҳаракатдаги таркибда ёнғин, портлаш содир бўлиши ва уларнинг носоз ҳолга келиши ҳамда мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган оқибатларга эга бўлмаган ҳолатлар натижасида:

беш кишидан кам бўлган инсонларнинг соғлиғига жиддий шикаст етиши;

фавқулудда вазиятларда ўн кишидан кам бўлган инсонлар жароҳатланиши;

юз кишидан кам бўлган инсонларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши;

ҳаракатдаги таркибнинг ҳолатини тиклаш учун мукамал (капитал) таъмирлаш даражасида шикастланиши авария сифатида баҳоланади.

5. Ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланиши вақтида авария рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган ва (ёки) бунинг оқибатида ҳаракатдаги таркибнинг капитал таъмирлаш (тиклаш) даражасида шикастланиши ҳамда темир йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ишдаги алоҳида ҳодисалар сифатида баҳоланади.

Бунда, ишдаги алоҳида ҳодисаларга қуйидагилар киради:

юк ёки йўловчи ташиш поездлари мазкур Низомнинг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган оқибатларсиз ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашиши ҳамда бекатлар ва уларнинг оралиғида ҳаракатдаги таркибнинг темир йўл изидан чиқиши;

поездни банд йўлга қабул қилиш;

поездни банд бўлган бекатлар оралиғига жўнатиш;

поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича жўнатиш;

поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича қабул қилиш;

поездни тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиши;

поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида стрелкали ўтказгични ўтказиш;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби поездни қабул қилиш, жўнатиш йўналишига ёки бекат оралиғига кетиб қолиши;

ҳаракат давомида юкнинг қулаши (сочишиб ёки бузилиб кетиши);

ғилдирак жуфтлиги ўқи, ўқ бўйни ҳамда ғилдирак синиши;

вагон аравачасининг ён рама ёки рессор уст балкаси синиши;

ҳаракатдаги таркибнинг ўрта балкаси узилиши;

техник носозликлар сабабли, ҳаракатланиш йўлидаги йўловчи поездидан вагоннинг узиб қолдирилиши;

поезднинг охириги кранлари берк ҳолатда жўнатилиши;

йўловчилар ташиш поездида локомотив бузилиши оқибатида ёрдамчи локомотивнинг талаб қилиниши;

ҳаракатланиш йўлида иш жараёни вақтида поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган жойлар ишоралар билан тўсилмаса ёхуд хавфли жойларда поезд ҳаракатланиш тезлигини камайтириш ёки тўхташ зарурлиги тўғрисида поезд машинистига огоҳлантириш берилмаслиги;

пол усти светофорида тақиқловчи ишора ўрнига рухсат ишораси янглиш пайдо бўлиши ёки секинлашиш (тўхташ) ишораси ўрнига рухсат ишораси пайдо бўлиши;

поездлар ҳаракати хавфсизлигига масъул бўлган темир йўл ходимларининг айби билан поезднинг автотранспорт воситаси ёки бошқа ўзиюрар машина билан тўқнашиши;

бекатда тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиш ҳолатини юзага келтирган рухсат ишораси тақиқловчи ишорага алмашиб қолиши;

ҳаракатдаги таркиб остида рельс синиши;

инфратузилма иншоотларининг конструкциялари яхлитлиги бузилиши оқибатида бекатлар оралиғидаги темир йўлларнинг ақалли биттасида бир соат ёки ундан ортиқ вақт давомида поездлар ҳаракати тўлиқ тўхташи;

ҳаракатдаги таркибнинг техник носозлиги туфайли йўловчи поездни жўнатиш бекатларидан жўнатилиши бекор қилиниши ёки бекатлар оралиғи ёхуд оралиқ бекатларида йўловчилар поезддан туширилиши.

6. Ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланиш вақтида содир бўлган, ишдаги алоҳида ҳодисаларга олиб келмаган темир йўл ҳаракати ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ишдаги ҳодисалар сифатида баҳоланади.

Бунда, ишдаги ҳодисаларга қуйидагилар киради:

букса қизиб кетиши ёки бошқа техник носозликлар сабабли ҳаракатланётган юк ташиш поездидан вагоннинг узиб қолдирилиши;

поезддаги махсус улагич ускуналарнинг ўз-ўзидан ажралиб кетиши;

стрелкали ўтказгич кесилиши;

юк ортиш қоидаларини ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигига таҳдид солиш даражасида бузилиши оқибатида оралиқ бекатда поезддан вагоннинг узиб қолдирилиши;

ҳаракатдаги таркибнинг махсус улагич ускуналарининг синиб узилиши;

ҳаракатдаги таркиб деталларининг йўлга тушиб қолиши;

манёврларда, шайлашда ва бошқа қисқа ҳаракатларда ҳаракатдаги таркибнинг мазкур Низомнинг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган оқибатларсиз издан чиқиши;

манёврларда, шайлашда ва бошқа қисқа ҳаракатларда ҳаракатдаги таркиб мазкур Низомнинг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашса, оқибатда локомотивлар жорий таъмир даражасида ёки вагонларни узиб олган ҳолда жорий таъмирлаш ёхуд ҳаракатдаги таркибни капитал таъмирлаш даражасида шикастланиши;

ҳаракатдаги таркибнинг қурилма, механизмлар, жихозлар ва бегона предметлар устига юриб келиб урилиши;

бекатлар оралиғи йўлларининг бирида ёки бекатда ҳаракат графигида белгиланган вақтдан йўловчилар ташиш поездининг бир соатдан кўпроқ, бошқа поездларнинг эса, уч соатдан кўпроқ ушланиб қолишига сабаб бўлувчи йўл, ҳаракатдаги таркиб, сигналлаштириш ва алоқа қурилмаларининг ҳамда бошқа техник воситаларнинг носозликлари юзага келиши;

бекатлар оралиғи йўлларининг бирида ёки бекатда ҳаракат графигида белгиланган вақтдан йўловчилар ташиш поездининг икки соатдан кўпроқ, бошқа поездларнинг эса, уч соатдан кўпроқ ушланиб қолишига сабаб бўлувчи электр тармоғи ва таъминоти қурилмаларининг носозликлари юзага келиши.

7. Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигини бузилиши енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар) ёки учинчи то-

мон таъсирида содир бўлган ҳолатлар (темир йўл транспорти ходимларининг иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолатдаги темир йўл кесишмаларида содир бўлган тўқнашувлар, темир йўл изларига бегона шахслар томонидан буюмлар қўйилиши ёки қолдирилиши) бошқа ҳодисалар сифатида баҳоланади.

3-боб. Метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш

8. Метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар қуйидагича таснифланади:

поездлар ҳалокати;
авария;
ишдаги алоҳида ҳодисалар;
ишдаги ҳодисалар;
бошқа ҳодисалар.

9. Поездларнинг бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашуви, бекатлар ва уларнинг оралиғидаги асосий йўлларда поездларнинг ҳаракатдаги таркибини темир йўл изидан чиқиши натижасида:

инсонлар ҳалок бўлиши ва (ёки) оғир тан жароҳати олиши;
ҳаракатдаги таркибнинг инвентар паркидан чиқариш даражасида шикастланиши;

бекатлар оралиғида беш соат ёки ундан ортиқ вақт давомида поездлар ҳаракати тўлиқ тўхташи поездлар ҳалокати сифатида баҳоланади.

10. Қуйидагилар авария сифатида баҳоланади:

а) поездларнинг бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашуви, бекатлар ва бекатлар оралиғидаги асосий йўлларда поездлар ёки ҳаракатдаги таркибни темир йўл изидан чиқиши ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган оқибатларга эга бўлмаган ҳолатлар;

б) манёвр ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида ҳаракатдаги таркиб тўқнашуви ва темир йўл изидан чиқиши оқибатида инсонлар ҳалок бўлиши ва (ёки) оғир тан жароҳати олиши, ҳаракатдаги таркибнинг инвентар рўйхатидан чиқариш даражасида шикастланиши ҳамда бекатлар оралиғида беш соат ёки ундан ортиқ вақт давомида поездлар ҳаракати тўлиқ тўхташи;

в) ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабабли юзага келган хавфли техноген тусдаги вазиятлар (ёнғин, сув тошқини, иншоотлар ва қурилмаларнинг носозлиги) оқибатида бекатлар оралиғида беш соат ёки ундан ортиқ вақт давомида поездлар ҳаракати тўлиқ тўхташи.

11. Манёвр ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашуви ва темир йўл изидан чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган оқибатларга эга бўлмаган ҳолатлар ишдаги алоҳида ҳодисалар сифатида баҳоланади.

Бунда, ишдаги алоҳида ҳодисаларга қуйидагилар киради:

поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича жўнатиш;
поездни тайёр бўлмаган йўналиш бўйича қабул қилиш;

поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остидан стрелкали ўтказгични ўтказиш;
поездни тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиши;
ҳаракатдаги таркибни рухсат этилмасдан ортга ҳаракатланиши;
поезддаги махсус улагич ускуналарнинг ўз-ўзидан ажралиб кетиши;
иш жараёни вақтида поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган жойларнинг
ишоралар билан тўсилмаслиги;

светофор ишораси, автоматлашган локомотив сигнали кўрсаткичи ёки
поезд компютери мониторида тақиқловчи ишора ўрнига рухсат ишораси
янглиш пайдо бўлиши;

ҳаракатдаги таркибнинг рухсат этилмаган (ўз-ўзидан ёки таъсир кучи
остида) ҳаракатланиши;

ҳаракатдаги таркиб тўсиқ ва берк таянчларга урилиши;

стрелкали ўтказгич кесилиши;

поезднинг филдирак жуфтлиги сиқилиб қолиши;

ҳаракатдаги таркиб деталларининг темир йўл изига тушиб қолиши;

ҳаракатдаги таркиб габарити ва унинг қурилмалар ва иншоотларга яқин-
лашиш габаритлари бузилиши;

ҳаракатдаги таркиб, темир йўл, контакт рельси, электр таъминот, сигнал-
лаштириш, марказлаштириш ва блакировкакаш (СМБ) қурилмалари, алоқа,
туннель иншоотлари, электромеханика ва бошқа қурилмаларининг носозли-
ги, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимларнинг нотўғри ҳаракатлари сабаб-
ли юзага келган хавфли техноген тусдаги вазиятлар (ёнғин ва сув тошқини)
оқибатида бекатлар оралиғининг бир йўлида 30 дақиқа ёки ундан ортиқ
вақт давомида поездлар ҳаракатининг тўхташи;

ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи ускуналарни, шунингдек тезликни
автоматик ҳолда тартибга солувчи автоматик локомотив сигнализациясини
(АЛС-АРС) ўз-ўзидан ўчиши;

бекатдаги платформанинг қарама-қарши томонидан поезднинг сурилади-
ган эшиклари очилиши;

йўловчи платформасидан ташқарида поезднинг суриладиган эшиклари
очилиши;

ҳаракатдаги таркибни жойлаштиришда ёки техник носозликлар сабабли
уни маҳкамлашнинг имконияти бўлмаганда тормозлаш воситалари (тўхтаб
туриш ва тормоз бошмоқлари) билан маҳкамланмаслиги;

поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида рельс синиши.

12. Қуйидагилар ишдаги ходисалар сифатида баҳоланади:

туннеллар ва эстакадаларда ҳаракатдаги таркиб келиб урилиши мум-
кин бўлган ускуналар, мосламалар ва бошқа ашёларни тунги ишлардан сўнг
маҳкамламасдан қолдириш;

йўловчиларни вагондан бекатда туширмаслик;

йўловчиларни вагонлардан (вагонларга) туширмасдан (чиқармасдан) «Би-
ринчи (бош) вагон тўхташ жойи» огоҳлантирувчи белгисидан ҳаракатдаги
таркибнинг ўтиб кетиши;

ҳаракатдаги таркибнинг носозлиги сабабли бекатда йўловчиларни вагон-
лардан туширишни амалга оширилиши;

хўжалик поездига ёрдамчи поезд тайинланиши ва унга уланиши;
носозлик (нотўғри ҳаракат) сабабли светофорнинг рухсат этувчи ишораси тўсатдан тақиқловчи ишорасига ўтиб қолиши;

йўловчи поездларининг ҳаракатланиши пайтида тезликни автоматик ҳолда тартибга солувчи автоматик локомотив сигнализацияси (АЛС-АРС) сигнал частоталари узатилишини рухсатсиз тўхтатилиши;

диспетчерлик алоқа турлари ва поезд радиоалоқасининг бир соатдан ортиқ вақт давомида носозлиги;

метрополитен ходимлари айби билан поездлар ҳаракат жадвали бузилиши билан боғлиқ бошқа барча қоидабузарликлар оқибатида бир ва ундан ортиқ поездлар ҳаракатининг бекор қилиниши;

хўжалик поездлари фойдаланган ҳолда хўжалик ишларини бажариш учун берилган талабнома метрополитеннинг соҳа бўйича хўжаликлари томонидан бажарилмаслиги.

13. Метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигини бузилиши енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, гидрометеорологик ва геологик хавfli ходисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар) ёки учинчи томон таъсирида содир бўлган ҳолатлар (темир йўл изларига бегона шахслар томонидан буюмлар ташланиши) бошқа ходисалар сифатида баҳоланади.

4-боб. Хизмат текширувини олиб бориш

14. Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари бўйича барча ходисаларни ҳамда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларининг сабаблари, оқибатлари ва ушбу ходисаларда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, шунингдек келгусида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишлари келиб чиқишини олдини олиш мақсадида хизмат текшируви ўтказилади.

15. Худудида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ходисалар содир бўлган темир йўл транспорти субъектлари ёки метрополитен масъул ходимлари мавжуд алоқа воситаси (телефон, телеграф ва бошқа алоқа воситалари) орқали Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий филиаллари (бундан буён матнда «Ўзтемир-йўл назорат» инспекцияси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (автотранспорт воситалари билан боғлиқ ходисаларда), Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини ҳамда ҳаракатдаги таркиб ва юк манфаатдори ёки тегишли эгалари содир бўлган ҳодиса ҳақида дарҳол хабардор қилишлари лозим.

16. Мазкур Низомнинг 3, 4, 9 ва 10-бандларида кўрсатилган ходисалар тўғрисида маълумотлар олинганда дарҳол Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруғи билан

авария ва ҳалокатларни текшириш бўйича комиссия (бундан буён матнда вазирлик комиссияси деб юритилади) тузилади.

Содир бўлган ҳодиса кўламадан келиб чиқиб, комиссия таркибига вазирлик ва идораларнинг вакиллари, темир йўл транспорти субъекти ёки метрополитен вакиллари ҳамда соҳага алоқадор бошқа мутахассислар киритилиши мумкин.

Темир йўл транспортида ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг хизмат текширувини олиб боришда вазирлик комиссияси ишига Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг соҳага масъул ўринбосари раҳбарлик қилади.

17. Мазкур Низомнинг 5, 6, 7-бандларида кўрсатилган ҳодисалар содир бўлганда, дарҳол темир йўл транспорти субъекти бошлиғининг буйруғи билан хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия (бундан буён матнда темир йўл транспорти субъекти комиссияси деб юритилади) тузилади. Темир йўл транспорти субъекти комиссиясига «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси, ҳаракатдаги таркиб ва юкнинг мулкдорлари, шу жумладан ташувчи ҳамда вазирлик ва идораларнинг вакиллари таклиф қилинади.

Метрополитенда ушбу Низомнинг 11, 12 ва 13-бандларида кўрсатилган ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги қоидалари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар содир бўлганда, дарҳол «Тошкент метрополитени» ДУК бошлиғининг буйруғи билан «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясини ҳамда вазирлик ва идораларнинг вакиллари таклиф қилган ҳолда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия (бундан буён матнда метрополитен комиссияси деб юритилади) тузилади.

18. Вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссиялари ўз ваколати доирасида хизмат текширувини ташкил қилиш ҳамда якуний хулоса бериш юзасидан қарорлар қабул қилади.

19. Қуйидагилар вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

жойига чиққан ҳолда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларининг юзага келиш ҳолатлари ва сабабларини ўрганиш;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларининг оқибатларини бар-тараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

жабрланган шахсларга тегишли ёрдам кўрсатиш, темир йўл транспорти (метрополитен) ҳаракатини тиклаш;

ҳаракатдаги таркибнинг, темир йўл транспорти ёки метрополитен инфратузилмаси объектларининг амалдаги ҳолатини темир йўл транспорти ёки метрополитендан фойдаланишни, шунингдек ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигини тартибга солувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларини келтириб чиқарган ёки уларнинг юзага келишига сабаб бўлган темир йўл транспорти (умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва идораларга қарашли темир йўл шохобча

йўллар) ёки метрополитенда ишлаётган ходимларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш;

текширув материалларини ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштириш ҳамда мазкур материаллар нусхаларини ўн беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясига тақдим этиш.

20. Темир йўл транспорти ёки метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар содир бўлган жойда вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси томонидан:

тезликни ўлчаш тасмаси, хотира модули ёки ҳаракатдаги таркибни ҳаракат параметрларини қайд этиш кассетаси, поезднинг натур варағи, поездни тормозлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ҳаракат тезлигини чеклаш тўғрисидаги огоҳлантиришлар ва локомотив, мотор вагонли ҳаракат таркибининг борт журнали олинади (сақланиб қолган бўлса);

ҳаракатланиш йўлининг бузилган жойи ва ҳаракатдаги таркибнинг жойлашиши, километр ва пикет устунига боғлаган ҳолда унинг рельсдан чиқиш излари, ҳаракатдаги таркибнинг издан чиқиши бошланган ва тўхтаган жойи кўрсатилган схема чизилади;

темир йўл транспорти ёки метрополитенга тегишли инфратузилма объектлари ҳамда ҳаракатдаги таркибнинг шикастланиши ва оқибатлари, аниқланган бегона предметлар, ҳаракатдаги таркибнинг деталь ва узеллари жойлашишининг умумий кўриниши фотосуратга туширилади, темир йўл транспорти ёки метрополитен инфратузилмаси ва ҳаракатдаги таркибга етган талофат оқибатлари видеотасвирга туширилади;

темир йўл транспорти ёки метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича ҳаракатдаги таркиб ва инфратузилма объектларининг техник ҳолати тўғрисида дастлабки техник ҳулоса тузилади;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларига дахлдор ва ушбу ҳодисага гувоҳ бўлган шахслар аниқланади;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишига алоқадор бўлган ходимларнинг ёзма шаклдаги тушунтириш хатлари жамланади (зарурат туғилса аудио ва видео ёзувлардан фойдаланган ҳолда), шунингдек ҳодиса сабабларини аниқлашда фойдаланиш мумкин бўлган ҳодиса гувоҳлари ва бошқа шахслардан маълумотлар тўпланади;

сўзлашув регламентларини қайд этиш мосламалари, видеокузатув тизимларининг ёзувлари, буксанинг қизишига қарши тизимнинг ва бошқа хавфсизлик тизимларининг ишлаш натижалари тегишли ҳужжатлар асосида таҳлил қилинади;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ ҳодиса содир бўлган вақтдаги об-ҳаво шароитлари қайд қилинади.

21. Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодиса сабабларини тезкорлик билан аниқлаштириш мақсадида вазирлик комиссияси, темир йўл

транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси таркибига комиссия раислари томонидан қўшимча аъзолар жалб қилиниши мумкин.

22. Вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси ўзларининг зиммасига юклатилган барча вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, хизмат текшируви натижаларининг тўғри расмийлаштирилиши, хулосаларнинг асослилиги ҳамда материалларнинг сифати учун масъул ҳисобланади.

23. Темир йўл транспорти субъекти ҳамда метрополитен ходимлари текширувнинг бутун даври давомида, ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган ҳужжатлар, темир йўлнинг юқори қурилмаси элементлари, ҳаракатдаги таркиб деталлари ва бошқа предметларни сақлаши шарт.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар, деталлар ва буюмларни тадқиқот ва бошқа синовлар учун юбориш тўғрисидаги қарорлар ва уларни сақлаш муддатлари ушбу Низомда назарда тутилган комиссиялар томонидан белгиланади.

24. Хизмат текширувини ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

25. Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойининг бирламчи кўриги натижаси ҳамда ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган тафсилотлар юзасидан вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган дастлабки техник хулоса тузилади.

26. Хизмат текшируви натижаларига кўра поездлар ҳалокати ва авариялар бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ, ишдаги алоҳида ҳодисалар ва ишдаги ҳодисалар бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

27. Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича хизмат текшируви вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси аъзолари томонидан текширув далолатномаси имзоланган кундан яқунланган ҳисобланади.

28. Вазирлик комиссиясининг раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс ушбу Низомнинг 3, 4, 9 ва 10-бандлари, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссиясининг раиси (унинг ўринбосари) эса ушбу Низомнинг 5, 6, 7, 11, 12 ва 13-бандларида кўрсатилган ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигининг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг хизмат текширувини амалга оширишда узоқ тадқиқотлар, синовлар, махсус экспертизалар ўтказиш талаб этилса, текширувни ўтказиш ва дастлабки

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

техник хулосани тузиш муддатини ўн беш иш кунидан ошмаган муддатга узайтириши мумкин.

Хизмат текширувини ўтказиш ва дастлабки техник хулосани тузиш муддатини узайтиришга узоқ муддатли тадқиқотлар, синовлар ва махсус экспертизаларни ўтказиш зарурлиги тўғрисида вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси аъзолари томонидан имзоланган далолатнома ёки комиссия аъзоларидан бирининг ёзма аризаси асос бўлади.

Хизмат текшируви муддатларини узайтириш вазирлик комиссияси раисининг ёзма розилиги асосида амалга оширилади, темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг хизмат текшируви эса темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси раисининг розилиги асосида узайтирилади.

29. Хизмат текшируви натижалари бўйича вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси томонидан барча материалларни ўз ичига олган тўртта асл нусхада йиғмажилд шакллантирилади.

30. Йиғмажилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

хизмат текшируви йиғмажилдига киритиладиган ҳужжатлар рўйхати;

темир йўл транспортида ёки метрополитендаги авария ва ҳалокатларнинг хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг буйруғи;

темир йўл транспортида ишдаги алоҳида ҳодиса, ишдаги ҳодиса ёки бошқа ҳодисалар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги темир йўл транспорти субъектининг буйруғи;

метрополитенда ишдаги алоҳида ҳодиса ёки ишдаги ҳодисалар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида «Тошкент метрополитени» ДУКнинг буйруғи;

тегишли хизмат текшируви далолатномаси;

вазирлик комиссияси, темир йўл транспорти субъекти комиссияси ва метрополитен комиссияси томонидан тузилган темир йўл транспорти ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган дастлабки техник хулоса;

мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотлар ва дастлабки ташхислар;

мазкур Низомнинг 4 ва (ёки) 5-иловаларига* мувофиқ шаклдаги умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларга ёхуд метрополитенга тегишли ҳаракатдаги таркибнинг шикастланганлиги (носозлиги) тўғрисида далолатнома;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларга қарашли шохобча йўллари ёхуд метрополитеннинг техник қурилмалари, объектлари ҳамда ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракат хавфсизлиги бузилишида юзага келган сақланиш меъёрларидан чекинишлар ва шикастланишлар кўрсатилган схемалар (фото, видеотасвир ва бошқа воситаларда тасвирга туширилган ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини тасдиқловчи материаллар асосида);

* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган ҳаракатдаги таркибининг тезликни ўлчаш тасмаси, хотира модули ёки ҳаракат параметрларини қайд этиш кассетаси таҳлили натижалари;

метрополитенда поездлар ҳаракати параметрларини қайд этиш тизимидаги маълумотларни сақлаш мосламасининг таҳлили натижалари;

мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларга қарашли шохобча темир йўллари ёхуд метрополитен объектларининг техник ҳолати ва ишлаши тўғрисида далолатнома;

поездларнинг натур варақлари;

ўтказилган махсус текширув ва синовларнинг натижалари (агар ўтказилган бўлса);

ходиса рўй берган участкадаги поездлар ҳаракати жадвалининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

ҳаракат хавфсизлиги бузилиши содир бўлгунга қадар умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларга қарашли шохобча темир йўллари ёхуд метрополитен объектларидан ҳамда ҳаракатдаги таркибдан фойдаланиш бўйича ҳисобот ва ҳисобга олиш шаклларида кўчирмалар;

метеорологик маълумотномалар;

махаллий йўриқномалардан кўчирмалар ёки нусхалар;

юкнинг шикастланганлиги ёки йўқолганлиги тўғрисида маълумотнома;

юкларнинг йўқолиши, техник жиҳозларга, темир йўл ҳаракатдаги таркибига, инфратузилмасига, сигналлаштириш қурилмаларига ва электр таъминотига, алоқа воситаларига етказилган путур, шунингдек, авария оқибатларини бартараф этиш харажатларини ўз ичига олган моддий зарарлар тўғрисидаги маълумотлар;

темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилиши туфайли темир йўл субъектига етказилган умумий моддий зарарлар тўғрисидаги маълумотнома;

метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилиши туфайли «Тошкент метрополитени» ДУКга етказилган умумий моддий зарарлар тўғрисидаги маълумотнома;

ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган ҳамда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги учун масъул бўлган темир йўл ёки метрополитен ходимлари ҳақидаги тегишли маълумотлар, уларнинг тушунтиришлари, меҳнат ва дам олиш режими, техник фойдаланиш қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва лавозим йўриқномаларини билиш даражаси юзасидан ўтказилган охириги синов маълумотлари, тиббий кўрик ҳулосаси.

31. Йиғмажилднинг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига, «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясига, «Тошкент метрополитени» ДУКга ва темир йўл транспорти субъектига берилади.

Мазкур йиғмажилднинг асл нусхалари «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан авария ва ҳалокатларда доимий, ишдаги алоҳида ходисалар, ишдаги ходисалар ва бошқа ходисаларда ўн беш йил давомида сақланади.

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

32. Текширув материаллари, экспертиза ва текширув материаллари асо-сида темир йўл транспорти субъекти ёки «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан ҳаракат хавфсизлигининг бузилиши билан боғлиқ йўл қўйилган ҳодисаларнинг қайта тақрорланмаслигини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Чора-тадбирлар режаси ҳисоботи ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясига тақдим этилади.

6-боб. Ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларини ҳисобга олиш

33. Поездлар ҳалокати ёки аварияларнинг ҳар бир ҳодисаси бўйича темир йўл транспорти субъекти ёки «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда поездлар ҳалокати ёки аварияларни ҳисобга олиш карточкаси бир нусхада тўлдирилади ва сақланади.

Ушбу карточка маълумотлари темир йўл транспорти субъекти ёки «Тошкент метрополитени» ДУКнинг поездлар ҳаракати ва ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига ўн беш иш куни ичида тақдим этилади.

34. Ҳар бир ишдаги алоҳида ҳодиса, ишдаги ҳодиса ва бошқа ҳодисалар бўйича зарур маълумотлар темир йўл транспорти субъекти ёки «Тошкент метрополитени» ДУК ҳамда «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси масъул ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилишларини ҳисобга олиш электрон ёки қоғоз шаклдаги журналга киритилади.

35. Темир йўл транспортида ёки метрополитендаги поездлар ҳалокати ва авариялар тўғрисидаги маълумотлар темир йўл субъекти ёки «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасига* мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига, ишдаги алоҳида ҳодиса, ишдаги ҳодисалар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар эса мазкур Низомнинг 10-иловасига* мувофиқ шаклда «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясига тақдим этилади.

7-боб. Яқуний қоида

36. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

* 7 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

279 Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мударлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3135, 2019 йил 4 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2019 й., 10/19/3135/2571-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мударлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур ўзгартиришлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
10-мх-сон

Келишилди:

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 21 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил
22 июлдаги 10-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра
мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг
тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом давлат мактабгача таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия инструкторлари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари, кафедра мудирларининг (бундан буён матнда педагог кадрлар деб юритилади) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини белгилайди.»

2. 3-банддаги «касб-хунар коллежларини» деган сўзлар «профессионал таълим муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқларининг буйруғи билан давлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари (бундан буён матнда тегишли таълим муассасалари деб юритилади) билан келишилган ҳолда камида 9 кишидан иборат баҳолаш комиссиялари (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади.»;

тўртинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 14-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. 15-банднинг иккинчи хатбошисидан «паспорт ва таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 18-банддаги «касб-хунар коллежи» деган сўзлар «профессионал таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 3-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

280 Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1703-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ–5834-сон «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33-34-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 июнь,
121-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2022 йил
28 июндаги 121-сон буйруғига
ИЛОВА

Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ахборот ресурси** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очик шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот;»;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**эксперт-текширув комиссияси (ЭТК)/эксперт-текширув услубий комиссияси (ЭТУК)** — архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивларида бошқарув (иш юритиш), илмий-техника ва бошқа махсус ҳужжатлар қимматлилиги экспертизасини ташкил этиш ва ҳужжатларни архивларга сақлаш учун топширишга тайёрлаш бўйича услубий ва амалий ишларни ўтказиш ҳамда давлат архивларининг жамлаш манбаи бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги марказий эксперт комиссиялари ва ЭК фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш учун тузиладиган доимий фаолият юритувчи комиссия;».

2. 3-банднинг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўриқнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва тегишли Ўзбекистон миллий архивларининг эксперт-текширув услубий комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаларининг эксперт-текширув комиссияси билан келишилади.».

3. 4-банддаги «ЭТКга» деган аббревиатура «ЭТК (ЭТУК)га» деган аббревиатуралар билан алмаштирилсин.

4. 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ахборот ресурсларининг архив нусхалари мазкур ресурсни яратиш учун қўлланиладиган дастур воситалари, дастурий таъминот ва ЭҲ учун электрон рақамли имзонинг очик калити билан бирга тегишли Ўзбекистон миллий архиви ЭТУК ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ЭТКси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича давлат архивига топширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

281 Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги ва 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 июндаги 9-мб-сон қарори (рўйхат рақами 3312, 2021 йил 16 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.07.2021 й., 10/21/3312/0684-сон) билан тасдиқланган Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 июль,
20-мб-сон

Келишилди:

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. ШЕРМАТОВ

2022 йил 14 июнь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил
1 июлдаги 20-мб-сон қарорига
ИЛОВА

**Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«респондентнинг номи ва идентификацион кодлари (солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИР (юридик шахслар учун), корхона, ташкилотнинг асосий коди — КТУТ, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами — ЖШШИР (жисмоний шахслар учун);».

2. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги рўйхатга олиш маркази ёки Давлат хизматлари марказлари томонидан берилган респондентнинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган ва ўзида мажбурий реквизитларни тўлиқ акс эттирган электрон шаклдаги статистика ҳисоботи респондентдан чиқувчи ҳужжат деб ҳисобланади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 8 июлдаги 33-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 11 июлдаги 16-2022-сон, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 53-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 27-сон «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1849-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 8 июлдаги 01/11-14/20-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 8 июлдаги 20-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-5.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 58-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 28-сон «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июля рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1735-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 56-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 30-сон «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1795-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 57-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 29-сон «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1785-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 55-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 31-сон «Биржа савдоларида полиэтиленни сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1837-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 8 июлдаги 54-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 32-сон, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 29 июлдаги 367/01-15-сон «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508-2.

9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 24 июндаги 15-2022-сон «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-4.

10. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 4 июлдаги 10-сон «Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2582-2.

11. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 4 июлдаги 11-сон «Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 4-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги 230-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-3.

13. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-сон «Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3376.

14. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 22 июлдаги 10-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-2.

15. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2022 йил 28 июндаги 121-сон «Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1703-1.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 20-мв-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3016-1, 2019 йил 22 апрель), (рўйхат рақами 3016-2, 2019 йил 4 июль), (рўйхат рақами 3016-3, 2020 йил 13 апрель), (рўйхат рақами 3016-4, 2021 йил 4 май).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 223-1, 04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сон «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1849, 2008 йил 29 август).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирли-

гининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34 ва 86-сон «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1735, 2007 йил 30 октябрь).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48 ва 30-сон «Биржа савдоларида мазут ёқилгисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1795, 2008 йил 17 апрель).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 12 мартдаги 41, 21-сон «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1785, 2008 йил 7 апрель).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 30 июндаги 55 ва 68-сон «Биржа савдоларида полиэтиленни сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1837, 2008 йил 16 июль).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 22 августдаги 43, 78 ва 01/19-26/11-сон «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2508, 2013 йил 17 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2508-1, 2018 йил 5 июнь).

2022 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**СОБРАНИЕ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**№ 30
(1050)
июль
2022 года**

Собрание законодательства Республики Узбекистан состоит из пяти разделов:

в первом разделе публикуются законы Республики Узбекистан и постановления палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

во втором разделе публикуются указы и постановления Президента Республики Узбекистан;

в третьем разделе публикуются постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан;

в четвертом разделе публикуются решения Конституционного суда Республики Узбекистан;

в пятом разделе публикуются нормативно-правовые акты министерств, государственных комитетов и ведомств, зарегистрированные Министерством юстиции Республики Узбекистан.

СОДЕРЖАНИЕ

Раздел первый

264. Закон Республики Узбекистан от 26 июля 2022 года № ЗРУ–785 «О внесении дополнений и изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием налогового и таможенного законодательства»

Раздел второй

265. Указ Президента Республики Узбекистан от 25 июля 2022 года № УП–175 «Об утверждении Стратегии социальной защиты населения Республики Узбекистан»

Раздел пятый

266. Приказ министра финансов Республики Узбекистан от 8 июля 2022 года № 33 «О признании утратившими силу приказа «Об утверждении Положения о порядке организации и проведения закупочных процедур», а также изменений и дополнений к нему» (*зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан*)

ством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 3016-5)

268. Постановление Агентства по управлению государственными активами от 8 июля 2022 года № 01/11-14/20 и Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан от 8 июля 2022 года № 20 «О внесении изменений в Правила внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения для риэлторских организаций» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 2257-5)*)
269. Постановление Министерства экономического развития и сокращения бедности от 8 июля 2022 г., № 58 и Министерства финансов Республики Узбекистан от 7 июля 2022 г., № 28 «О признании утратившим силу постановления «Об утверждении Положения о порядке реализации медной продукции (медь катодная и медная катанка), цинка металлического и алюминия вторичного на биржевых торгах» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 1735-1)*)
270. Постановление Министерства экономического развития и сокращения бедности от 8 июля 2022 г., № 56 и Министерства финансов Республики Узбекистан от 7 июля 2022 г., № 30 «О признании утратившим силу постановления «Об утверждении Положения о порядке реализации топочного мазута на биржевых торгах» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 1795-1)*)
271. Постановление Министерства экономического развития и сокращения бедности от 8 июля 2022 г., № 57 и Министерства финансов Республики Узбекистан от 7 июля 2022 г., № 29 «О признании утратившим силу постановления «Об утверждении Положения о порядке реализации угля на биржевых торгах» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 1785-1)*)
272. Постановление Министерства экономического развития и сокращения бедности от 8 июля 2022 г., № 55 и Министерства финансов Республики Узбекистан от 7 июля 2022 г., № 31 «О признании утратившим силу постановления «Об утверждении Положения о порядке реализации полиэтилена на биржевых торгах» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 25 июля 2022 г., регистрационный № 1837-1)*)
280. Приказ директора Агентства «Узархив» Республики Узбекистан от 28 июня 2022 года № 121 «О внесении изменений в Инструкцию по соз-

данию архивных копий информационных ресурсов и порядок их передачи на государственное хранение» (зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 29 июля 2022 г., регистрационный № 1703-1)

Сведения о состоянии государственной регистрации нормативно-правовых актов министерств, государственных комитетов и ведомств

РАЗДЕЛ ПЕРВЫЙ**ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН****264 О внесении дополнений и изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием налогового и таможенного законодательства***

Принят Законодательной палатой
7 июля 2022 года

Одобен Сенатом 8 июля 2022 года

В рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017 — 2021 годах проведены масштабные реформы во всех сферах жизни государства и общества, в частности в налогово-таможенной системе.

Определив в качестве приоритетов государственной политики всестороннюю поддержку населения и субъектов предпринимательства, сокращение бедности, возникает необходимость пересмотра налоговых и таможенных льгот.

При этом снижение ставок акцизного налога на услуги мобильной связи и налога на доходы для физических лиц-нерезидентов, освобождение родителей от налогообложения платежей до трех миллионов сумов в месяц в негосударственные дошкольные образовательные организации и школ за обучение детей, а также установление единого порядка по предоставлению льгот по таможенным пошлинам только на основании законов способствуют ускоренному развитию национальной экономики.

Вместе с тем в целях развития сферы услуг, рынка капитала, кожевенной промышленности и медицины, а также обеспечения трудоустройства женщин субъектам предпринимательства предоставляются временные налоговые льготы.

Настоящий Закон служит увеличению доходов населения путем совершенствования налогово-таможенной системы и улучшения бизнес-среды.

Статья 1. Часть третью статьи 6 Закона Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ЗРУ–599 «О внесении изменений и дополнений в Налоговый кодекс Республики Узбекистан» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., приложение 1 к № 12; 2021 г., № 1, ст. 6) дополнить **предложением** следующего содержания:

«При этом настоящие налоговые льготы не применяются в отношении товаров (услуг), приобретаемых за счет средств (займов, кредитов) международных финансовых институтов и зарубежных правительственных финансовых

* Настоящий Закон опубликован в «Национальной базе данных законодательства» 27 июля 2022 г.

организаций, рефинансируемых или перекредитуемых через коммерческие банки Республики Узбекистан».

Статья 2. Внести в **Налоговый кодекс Республики Узбекистан**, утвержденный в новой редакции Законом Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ЗРУ–599 (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., приложение 1 к № 12; 2020 г., № 3, ст. 198, № 10, ст. 593, № 11, ст. 652, № 12, ст.ст. 690, 691; 2021 г., № 1, ст. 6, № 4, ст. 294, приложение к № 4, № 8, ст. 800, № 9, ст. 901, № 10, ст.ст. 968, 969, 972, 973, № 12, ст. 1199; 2022 г., № 2, ст. 79, № 3, ст.ст. 215, 216, № 5, ст.ст. 461, 464, 467, № 6, ст. 570), следующие изменения и дополнения:

1) **пункт 5 части первой статьи 289³** изложить в следующей редакции:

«

5.	Услуги мобильной связи	10%
----	------------------------	-----

»;

2) **пункт 3 статьи 317** изложить в следующей редакции:

«3) расходы налогоплательщика, являющиеся доходами физического лица в виде материальной выгоды, предусмотренные статьей 376 настоящего Кодекса, за исключением расходов по приобретению билетов своим работникам и их близким родственникам для посещения культурно-массовых и концертно-зрелищных мероприятий, в размере не более 0,5 процента от доходов, полученных от реализации товаров (услуг)»;

3) в **статье 369:**

пункт 9 части первой изложить в следующей редакции:

«9) доходы, полученные в результате трудовой деятельности самозанятых лиц в порядке, определяемом законодательством, в том числе доходы студентов, полученные от организации на территории высших образовательных организаций Республики Узбекистан платных учебных курсов, спортивных кружков и оказания других образовательных услуг»;

в **части второй:**

пункт 12 изложить в следующей редакции:

«12) средства, перечисляемые за обучение учащихся и студентов на платно-контрактной основе по прямым договорам с профессиональными и высшими образовательными организациями в Республике Узбекистан»;

дополнить **пунктом 12¹** следующего содержания:

«12¹) расходы, связанные с бесплатным обучением талантливых и одаренных детей из семей, нуждающихся в социальной поддержке, а также определенного количества воспитанников из специального контингента в пределах норм, установленных законодательством, в негосударственных дошкольных образовательных организациях и школах, в том числе в негосударственных дошкольных образовательных организациях и школах, созданных на условиях государственно-частного партнерства»;

4) в **пункте 16 статьи 378:**

дополнить **абзацем третьим** следующего содержания:

«оплату родителями (усыновителями) образовательных услуг детей в негосударственных дошкольных образовательных организациях и (или) школах до 3 миллионов сумов в месяц на каждого ребенка»;

абзацы третий, четвертый и пятый считать соответственно **абзацами четвертым, пятым и шестым**;

5) **пункт 3 статьи 382** изложить в следующей редакции:

3.	Доходы, полученные по трудовым договорам (контрактам) и договорам гражданско-правового характера, другие доходы, не указанные в пунктах 1 и 2	12
----	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

»;

6) из **части второй статьи 389** слова «за исключением крупных налогоплательщиков» исключить;

7) в **пункте 1 части первой статьи 412**:

абзац восьмой изложить в следующей редакции:

«Налогоплательщик вправе произвести независимую оценку стоимости объектов недвижимого имущества в случае, если стоимость 1 кв. м объекта ниже минимальной стоимости, установленной настоящим пунктом. При этом результаты независимой оценки, включая проведенные налогоплательщиком в предыдущие два года, будут признаваться в качестве налоговой базы»;

дополнить **абзацем девятым** следующего содержания:

«Объекты недвижимого имущества, на которые не распространяется минимальная стоимость, установленная настоящим пунктом, определяются законодательством»;

8) **часть третья статьи 414** дополнить **пунктом 3** следующего содержания:

«3) антенно-мачтовые металлоконструкции, расположенные в сельской местности (за исключением городов и районных центров), включая конструкции, установленные на них и являющиеся их неотъемлемой частью»;

9) **часть вторую статьи 428** дополнить **абзацем тринадцатым** следующего содержания:

«занятые антенно-мачтовыми металлоконструкциями, расположенными в сельской местности (за исключением городов и районных центров), а также конструкциями, установленными на них и являющимися их неотъемлемой частью»;

10) **абзац шестой части второй статьи 463** исключить;

11) **часть вторую статьи 464** дополнить **пунктом 4** следующего содержания:

«4) субъектов предпринимательства — на сумму расходов по приобретению билетов своим работникам и их близким родственникам для посещения культурно-массовых и концертно-зрелищных мероприятий, в размере не более 0,5 процента от доходов, полученных от реализации товаров (услуг)»;

12) **статью 483** дополнить **частями двадцатой — тридцать шестой** следующего содержания:

«С 1 апреля 2022 года до 1 января 2025 года субъекты предприниматель-

ства, оказывающие услуги в сфере розничной торговли и общественного питания, гостиничных услуг (размещение), пассажирских и грузовых перевозок автотранспортным средством, ремонта и технического обслуживания автотранспортных средств, компьютерных услуг, ремонта бытовой техники, агро- и ветеринарных услуг, а также услуг, оказываемых в развлекательных центрах, уплачивают социальный налог по налоговой ставке в размере 1 процента.

Льгота, предусмотренная частью двадцатой настоящей статьи, применяется к субъектам предпринимательства, если по итогам текущего отчетного (налогового) периода доходы от оказания таких услуг по установленным видам деятельности составляют не менее 60 процентов совокупного дохода. Действие данной льготы прекращается в случае выявления фактов сокрытия численности работников.

До 1 января 2024 года физические лица при переводе объектов недвижимого имущества жилого назначения, расположенных вдоль межмахаллинских торгово-сервисных улиц, в категорию объектов недвижимого имущества нежилого назначения для оказания видов услуг, указанных в части двадцатой настоящей статьи, уплачивают налог на имущество физических лиц и земельный налог с физических лиц по налоговым ставкам, установленным для объектов недвижимого имущества жилого назначения, а также земельных участков, занятых этими объектами.

Перечень межмахаллинских торгово-сервисных улиц определяется Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента.

На период с 1 января 2022 года до 1 января 2027 года субъекты предпринимательства вправе по торговым комплексам площадью более пяти тысяч квадратных метров и гостиницам (средствам размещения), включая занимаемые ими земельные участки:

применять коэффициент 0,1 к налоговым ставкам по налогу на имущество юридических лиц и земельному налогу с юридических лиц. При этом в отношении таких объектов недвижимого имущества, вновь построенных до 1 января 2027 года, и земельных участков, занятых этими объектами, данная льгота применяется в течение пяти лет с месяца их ввода в эксплуатацию;

при исчислении налога на прибыль относить в течение двух лет стоимость таких зданий на вычитаемые расходы в виде амортизации.

На период с 1 апреля 2022 года до 1 января 2025 года субъекты предпринимательства, зарегистрированные в установленных туристских зонах районов и городов, указанных в решениях Президента Республики Узбекистан, и оказывающие на данных территориях услуги общественного питания, гостиничные (размещение), торговые, развлекательные, туроператорские и турагентские услуги, уплачивают:

налог с оборота по налоговой ставке в размере 1 процента;

налог на имущество юридических лиц и земельный налог с юридических лиц в отношении объектов, расположенных на этих территориях, а также земельных участков, занятых такими объектами, в размере 1 процента от начисленной суммы этих налогов.

Границы туристских зон районов и городов определяются Жокаргы Кенесом Республики Каракалпакстан, Кенгашами народных депутатов областей на основании заключений главных территориальных управлений Министерства туризма и культурного наследия, а также Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан.

На период с 1 апреля 2022 года по 31 декабря 2024 года:

доходы физических лиц — резидентов и нерезидентов Республики Узбекистан в виде дивидендов по принадлежащим им (акционерам) акциям освобождаются от налога на доходы физических лиц;

по доходам юридических лиц — нерезидентов Республики Узбекистан в виде дивидендов по принадлежащим им (акционерам) акциям применяется налоговая ставка по налогу на прибыль в размере 5 процентов;

доходы физических и юридических лиц — резидентов и нерезидентов Республики Узбекистан в виде процентов по облигациям хозяйственных обществ освобождаются от налога на доходы физических лиц и налога на прибыль.

